



Козок шоири Ўлжас Сулаймонов «Аз и Я» китобида академик Грековнинг «Киев Руси» асаридан бир парча келтиради: «Хам ёзма, хам бошка манбалар хизматимизга мунтазир. Аммо манбалар кандай бўлишидан катъи назар, факат бир холдагина фойдали бўлиши мумкин — тадқиқотчининг ўзи ундан нима исташини яхши билмоги керак». Ўлжас Сулаймонов бу кўрсатмани кескин танкид қилади. Чиндан хам, юксак рутбалик раҳбарларнинг огзига караб иш юритишни одат қилиб олган анча-мунча «олимлар» таникли академикнинг бу гапини ўзлари учун муқаддас дастурил амал қилиб олдилар. Улар турли-туман асарларида тарихни холисона ёритиш ўрнига ундан ўз мақсадларига мос келадиган ходисалар ва фактларни танлаб ёритиш, қолганларини эса хас-пўшлаш ёхуд билиб билмаганга олиш йўлидан бордилар. Бирок гап факат машхур академикнинг назарий кўрсатмасида хам эмас. Бу кўрсатманинг ўзи мамлакатимизда 20-йиллардаёқ қарор топган муайян ижтимоий-сиёсий вазиятнинг самараси ўларок майдонга келганди. Маълумки, 1917 йилдан кейин большевиклар барпо этган йўқсуллар ҳукмронлиги салтанатида ҳукмрон мафкура факат бир мақсадга— янги тузумни ҳар жихатдан оқлаш ва улуглашга хизмат қилди. Бу йўлда у ҳар кандай воситалардан, хатто зўравонликдан хам, ошқора ёлгон, сурбетларча сохтакорликлардан хам қайтгани йўқ. Ҳукмрон мафкура, айниқса, большевикларнинг миллий сиёсатини «улуглашда» зўр жонбозлик кўрсатди. «Октябрь ўтмишда эзилган халқларни озодликка олиб чиқди, улар улуг оғамизнинг ёрдами билан бахтиёр ҳаёт қурдилар, улар ўтмишда хор ва кашшок эдилар, факат совет давридагина маданиятли, фаровон турмуш кечира бошла-дилар, бунинг учун улар партиядан ҳар қанча миннатдор бўлсалар арзийди. Қимда-қим бу гапларга қўшилмаса ёхуд қарши бўлса, у гоёвий маҳдуд, муртад, халқнинг ашаддий душмани, разил миллатчи!» — Ўнлаб йиллар давомида ана шу «ҳақиқатларини халқ онига сингдиришга ҳаракат қилинди. Афсуски, ижтимоий илмлар турли тазйиклар ва маъмурий жазолар таъсирида мустақиллигини йўқотиб, нобоп тузумнинг хизматқорига айланди. Оқибатда олис ўтмиш хам, яқин тарихимиз хам бутунлай сохталаштирилиб, бузиб, ёлгон-яшиққа, уйдирмаларга қорйштириб талқин этила бошлади. Айниқса, XX асрда яшаб ўтган, илгор гоёларни олға сурган, бу йўлда қўлидан келган хизматини аямаган зиёлилар шафқатсиз танкид остига олинди. Уларнинг оламдан ўтиб кетганларига «жадид» деган муҳр босилиб, ёмонотликка чиқарилди. Минг хил чигириклардан ўтиб, 30-йилларга етиб келганлари Сталин жаллодлари томонидан қатли ом қилинди. Ўз вақтида ватанини тарқ этиб улгурган, мухожирликнинг оғир, миннатли нонини еб, ўта мураккаб шароитларда жон асраганларга эса «советларнинг ашаддий душмани, ватангадо хоинлар, аксилкилобчилар, миллатчилар» деган қора тамга ёпиштирилди. Уларни қоралашга расман қатъо берилди. Тарихчими, адабиётшуноси, иқтисодчими, файласуфми, ҳуллас,

олим зоти борки—хаммаси уларнинг биронта асарини, бирон маколасиний ўкимаса-да, хаёт йўлини билмаса-да, сиёсий, адабий, фалсафий карашларидан беҳабар бўлса-да, карши чикмоги, мунозарага киришиб, карашларини рад этмоги, беҳаё сўзлар билан сўкиб, лойга кориштирмоги хам фарз, хам карз эди. Бундай олимлар рағбатлантириллар, «мафкурамизни мустахамлаш ишига хисса кўшган кахрамонлар» деб бахоланарди. Буни карангки, муайян йилларда ана шундай «аксил таргиботчилик», чет эллардаги ўзбек мухожирларини ёки бошка миллатларга мансуб шаркшунос олимларни фош килиш айрим «олимлар» учун тирикчиликнинг осон йўл айланди. Анча-мунча одамлар бу йўлдан бориб, мансаб пиллапояларидан кўтарилдилар ва сохта шухрат эгаларига анландилар. Бугун буларнинг хаммаси ёлгон бўлиб чикди. Ўша «фош этилган», урилган, сўкилган советшуносларнинг кўп гаплари тўгри экан — улар четдан туриб, Туркистоннинг заволли ахволи, аччик такдири тўгрисида бизга караганда тўгрирок ва теранрок фикр юритишган экан. Замон ўзгарди, катта кийинчиликлар, талафотлар эвазига бўлса хамки, ошкораликка эришдик, аста-секин сўз эркинлиги кириб келяпти. Бугун Вали Каюмхон, Боймирза Хайит, Булоқбоши, Темирхўжа каби ўзбек мухожирларининг номини бемалол тилга оладиган, асарларини чоп этадиган бўлиб колдик. Хатто ўзбек ёзувчиларининг сўнгги курултойида Боймирза Хайит ёзувчилар уюшмасига кабул килинди. Ана шу мухожирлар сафида Мустафо Чўкай алохида ўрин тутди.

Мустафо Чўкай факат туркистонлик мухожирлар ўртасидагина эмас, балки Гарбдаги, айникса, Олмония ва Туркиядаги шаркшунос олимлар дунёсида катта обрў козонган, юксак нуфузга эга бўлган бир зотдир. Аллома бу эътиборга бир вақтлар Туркистон мухториятининг бошида тургани учунгина эмас, иккинчи жахон уруши чоғларида туркистонлик юртдошларидан анча-мунча одамни ўлим чангалидан тортиб олиб, асраб колгани учунгина эмас, балки Туркистон мустакиллиги йўлидаги фидокорона фаолияти туфайли, кўпгина теран ва холисона илмий асарлари туфайли эришган. Чет элларда уни «туркларнинг буюк миллиётчиси ва юртсеварларидан бири» деб эъзозлайдилар. Афсуски, ана шундай инсон хакида деякли хеч нарса билмаймиз. Тўгрироги, билганимиз — хукмрон мафкуранинг бу одам хакида миямизга куйган ёлгон-яшигидан ўзга нарса эмасди. Мустафо Чўкайнинг номи 20-йилларда кўп тилга олинарди. Аммо хар хил курултой, мафкуравий анжуманларда, инкилобий мавзуларда ёзилган рисола ва китобларда у ашаддий халк душмани, миллий буржуа мафкурасининг етакчи намояндаси, совет хокимиятига карши курашган, босмачилик харакатини уюштирган бир кимса сифатида таърифланади. 30-йилларнинг ўрталарида хам турли муносабатлар билан Мустафо Чўкай тез-тез тилга тушиб турди. Жумладан, 1930 йилда Ўзбекистон ССР Олий судининг собик раиси Саъдулла Косимов устидан бўлган суд жараёнида давлат кораловчиси Р. Катаняннинг айблов нуткида ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов сўзлаган маърузалар ёхуд нуткларда шундай бўлган. Бирок 1937 йилдан кейин худди биров буйрук бергандай, Мустафо Чўкай номи матбуот сахифасидан бутунлай ўчиб кетади, гўё бу одам, умуман, хеч қачон яшаб ўтмагандек, унинг тўгрисида лом-мим дейилмайди. Факат 1985 йилдан кейингина олим хакидаги гаплар яна тикланди, бирок бу гал янги асосда, янгича муносабат билан тикланди; баъзи асарлари матбуотда эълон килина бошланди. Мазкур иш Мустафо Чўкай хакидаги илк макола. Афсуски, кўлимда унинг чет элларда босилган кўпгина китоблари ва тадқиқотлари йўқ. Шундай бўлса-да, Мустафо Чўкайнинг Туркияда босилган «1917 йил хотира парчалари» деган китоби хамда унга багишланган

альбом асосида ва газетада чоп этилган «Туркистон Шўролар хокимияти даврида» деган маколага суяниб, унинг хаёт йўли ва ижтимоий-сиёсий карашлари тўғрисида фикр юритмокка жазм килдим. Шоядки, Туркистон мустакилликнинг атокли курашчиси сифатида донг таратган юртдошимиз хакида илк тасаввур берувчи бу макола бугунги ўзбек китобхонлари учун фойдадан холи бўлмас.

Мустафо Чўкай 1890 йилнинг 17 январида Окмачит шаҳрида тугилган. Окмачит хозир Кизил Ўрда вилоятининг маркази. XIX аср ўрталарида бу шаҳар Кўкон хонлигига қарар, унинг чегарасида жойлашган овлок бир қалъа хисобланарди. Олмаотада истикомат қилувчи рус забон ёзувчи Анов «Окмачит» романида бу шаҳарнинг рус кўшинлари томонидан ишғол қилиниши воқеаларини батафсил ҳикоя қилган. Чўлпон ҳам «Кеча ва кундуз» романида Окмачитга доир латифанамо бир гапни келтиради. Роман қахрамонларидан бири Ноиб тўра Мирёкубга дейди: «...Сенларнинг Худоёрхонингга «ўрислар Окмачитни олиб қўйди» деганлар. Худоёрхон «у юртим неча қунлик йўлда?» деб сўраган, «бир ойлик йўлда» деганлар. «Ундай бўлса, менга унақа олис юртнинг кераги йўқ. Олса олаберсин» деган...» (Чўлпон. Яна олдим созимни. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент—1991, 144-бет.)

Инқилобдан олдин Окмачит яна бир жихати билан машҳур бўлган — овлок жой бўлишига қарамай, Окмачитдан жуда кўп тилмочлар чиққан. Яхшиси, бу хусусда сўзни Мустафо Чўкайнинг ўзига берайлик:

«Эски Туркистон вилояти доирасидаги шаҳарлар орасида Окмачитнинг баъзи ўзига хосликлари бор эди... Улардан бири, балки энг муҳими, бу доирада фаолият кўрсатган тилмочларнинг кўпчилиги Окмачитдан чиққани эди. Ёлғиз Сирдарё вилояти худудидагина эмас, Самарқанд ва Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам губернатор, полиция маҳкамаларида окмачитлик қозоқ тилмочлари хизмат қиларди... Окмачит шаҳри қотиб ва тилмачлар етиштириб берувчи бир макон бўлиб қолганди.» (Мустафо Чўкай. «1917 йил хотира парчалари». Анкара. ёш Туркистон нашриёти — 1988, 16-бет.)

Мустафо ана шундай муҳитда дунёга келганди. Отаси Чўкайбей Тўрғай Додхо ўгли (1811—1918) ўз даврининг кўзга кўринган арбобларидан бўлган. У ўғлини илмли, маърифатли қилиб тарбиялаш йўлида қўлидан келган ишни аямаган. Мустафо бошланғич маълумотни Окмачитда она тилида эски мактабда олади. Ўғлидаги иқтидорни ва илмга ҳавасни пайкаган ота эски мактаб таълими билан чекланиш мумкин эмаслигини яхши тушунади ва уни Тошкентга юборади. Бу ерда Мустафо гимназияда рус тилида таҳсил кўради. Уни аъло баҳода битиргач, Петербургга йўл олади. Мустафо Петербург дорилфунунининг ҳуқуқ қуллиётини ҳам зўр муваффақият билан тугатади. Дорилфунунда ўқир экан, Мустафо фақат ҳуқуқшунослик илмларига қизиқиш билан қифояланмай, айни чоқда, тил ўрганиш бобида ҳам фавқулодда иқтидор эгаси эканини намойиш этади. Мустафо Чўкай ҳам бевосита сиёсий фаолият майдонига қириб қолади. Табиийки, ёш Мустафони ҳаммадан аввал она юрт тақдири қизиқтирар эди. У Туркистонни мустамлака қиланларидан ҳалос қўришни истар, ўлка халқлари ўз тақдирига ўзи ҳўжайин бўлган ҳолда тараккиёт йўлига чиқиб, бошқа илгор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини хоҳларди. У инқилоб арафаларида ёзган мақолаларида Туркистон мустақиллиги учун кураш гоёларини кенг тарғиб эта бошлади. Шундай қилиб, Мустафо Чўкай Туркистон манфаатларини чуқур тушунадиган илгор фикрли зиёлиларнинг олдинги қаторидан ўрин эгаллайди. Фикри теран, қалами ўткир бўлгани учун уни хатто Россия Думасига ишга олишади.

«1917 йил инқилоби бошланган кезларда,— деб ёзади Мустафо Чўкай «1917 йил хотира

парчалари» китобида,— мен Петербургда эдим. У замонда мен Россия Думаси (парламенти) Мусулмон фракцияси қошидаги бюрода Туркистон вакили эдим. Туркистон хақида материаллар тўплар ва давлат думасидаги мусулмон миллат вакилларига Туркистон билан боғлиқ масалалар хақида керакли материалларни хозирлаб берардим». 1917 йил февраль инқилоби амалга ошиб, подшо тахтдан воз кечиши хақидаги Манифестни эълон қилган куни Мустафо Чўкайни Тошкентга таклиф этадилар. Бирок Тошкентдан келган телеграммада 1917 йилнинг апрелида Оренбургда Умумқозок Конгресси бўлиши маълум қилинган ва унда Мустафо Чўкайнинг Туркистон вакили сифатида қатнашиши илтимос этилганди. Мустафо Чўкай Оренбургга йўл олади, бирок манзилга етгунча йўлда — Пензада тўхтаб ўтишга тўғри келади. Пензадаги воқеа Мустафо Чўкайнинг она юртга мухаббати мазҳум нарса эмас, балки ватаннинг хўрланган, қийналган, эзилган фарзандларига чинакам гамхўрлик тарзида намоён бўлганини кўрсатади. Мустафонинг ўзи қуйидагича ёзади: «Йўлда Пенза шаҳрида туркистонликларимизга дуч келдим. Бу ерда Туркистон ишчилари тўла ўнларча вагон бир чеккага чиқариб қўйилганди... Бу бечораларнинг турмуши ва оқибатидан хабар оладиган бирон қимса йўқ эди. Шу тарзда унутилган туркистонликлар нима қилишларини билмай ночор аҳволда қолган эдилар.» Мустафо Чўкай Туркистон вакили сифатида беқат бошлиғига мурожаат қилади, ундан иш чиқмагач, вилоят комиссари билан гаплашади. Бундан ҳам натижа чиқмайди. Ишга вилоят ишчи-аскар депутатлари шўроси аралашади ва Мустафонинг қийин-қистови билан туркистонлик ишчилар тушган вагонлар она юрт томон йўл олади.

Мустафо Чўкай хотираларида келтирилган бу воқеа унинг табиатини, гайрати ичига сиймайдиган фаолият қишиси эканини, юртдошларининг тақдирига ҳеч қачон лоқайд томошабин бўлиб қарамаганини кўрсатади.

Мустафо Чўкай Оренбургда бир неча кун бўлади. У юқорида зикр этилган хотираларида Биринчи умумқозок қурултойи гоят қаланд руҳда ўтганини ёзади. Қурултой қозокларнинг миллий уйғонишида қатта аҳамият қасб этиши билан бирга, барча туркий халқларни Туркистон мустақиллиги гоёси атрофида бирлашишига ҳам ёрдам берган. Қурултой ишида Фотих Қарим, Мунаввар қори Абдурашидов қоби таникли зиёлилар иштирок этган. Уларнинг нутқлари қурултой аҳлида қатта таассурот қолдирган. Мустафо Чўкай буни ҳам ёркин бўёқларда тасвирлайди:

«Мунаввар қорининг «Ўзбек қардошларингиздан қалом қелтирдим» дея бошланган табриқ сўзларини қозок бўзқирларидан қелган вакилларда уйғотган туйғулари, қуқур таъсири мен учун унутилмас бир хотирадир. Мунаввар қорининг илқ жумласини оёққа туриб қаршилаган мажлис аҳли унга узок олқишлар билан жавоб берди. Қўпгина ёш вакиллар уни қўз ёшлари билан тингладилар. Қозок бўзқирларининг олис гўшаларидан қелган вакиллар «энди биз ҳам қон ва қон бирлигимизни, қардошлигимизни очикча сўйқай оладиган бўлдиқ» деяроқ қўзлари ёшланди. Оренбург ва умум турк-татарлар номидан Фотих ақанди Қаримий қурултойни қутлади. Шундай қилиб, қурултой буюқ Турк халқининг уч қучли қўли орасидаги мустақкам боғлиқликни намоёиш этган бир сахнага айланди.»

Мустафо Чўкай Оренбургдаги ишларини битиргач, Тошкентга келади. 1917 йилнинг баҳор қезларида Тошкентдаги сиёсий ҳаёт қайнаб турган қозонни эслатарди. Қураш жабахасида ҳар хил ижтимоий тоифалар манфаатига ҳизмат қилувчи сиёсий қучлар фаолият кўрсатарди. Тошкентда ҳам қўш ҳоқимиятчилик давом этар, юртни Муваққат ҳоқимият комиссари билан бир қаторда ишчи ва аскар депутатлари Совети ҳам

бошқарарди. Советнинг таркиби хилма-хил бўлиб, унда эсерлар, кадетлар, большевиклар ва мусулмонлар фракцияси мавжуд эди. Ўртада инклик йўк эди. Шунингдек, шаҳарнинг сиёсий ҳаётида яна икки ташкилот — «Уламо жамияти» билан «Шўрои исломия» ҳам катта роль ўйнади. Бирок булар ҳам ахил бўлиб иш тутиш ўрнига ўзаро низоларга берилдилар ва кўп ўтмай, ихтилофлар ошқора курашга айланиб кетди. Бундан фойдаланган большевиклар уларни тор-мор келтирди ва 1917 йилнинг ўрталарида бошқа партияларни Тошкентдан қувиб юборишди. Шу тарзда Мустафо Чўкай Кўконга келади ва сиёсий-инкилобий фаолиятини давом эттиради. Бу пайтда у мусулмонлар ўлка советининг («Шўрои исломия») раиси эди. Кўконда бироз бўлгач, вазиятни ўрганиш, халқ кайфиятини билиш учун Маргилонга боради. Туркистон ўлкасининг Андижон, Тошкент, Самарканд, Чимкент, Авлиё-ота каби шаҳарлари билан яқиндан алоқада бўлади. 1917 йилнинг 31 октябрида бир гуруҳ большевиклар Тошкентда ҳокимиятни кўлга киритишади ва Туркистонда совет ҳокимиятини эълон қилишади. Ўлкада сиёсий вазият фавқулодда тус олади. Бундай шароитда Ўлка мусулмонлар Совети ҳам ўз фаолиятини қучайтиради. 1917 йилнинг 9 декабрида эрталаб соат 10 да Кўкон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда қурултойи очилади ва Туркистон мухторияти эълон қилинади. Қурултойда мухториятнинг идора қилувчи Халқ Кенгаши сайланади. Кенгаш ўз навбатида Мухторият ҳукуматини сайлайди, Унинг биринчи раиси таникли жамоат аربоби, Алаш Ҳаракати партиясининг раҳбарларидан бири Тинишбоев бўлган эди. Аммо у бори-йўғи бир ҳафта раислик қилди. Хозирча бизга номаълум сабабларга кўра у истеъфога чиқади, ўрнига Мустафо Чўкай тайинланади. Бирок унинг ҳукумати ҳам узок яшаёлмайди — орадан уч ой ўтар-ўтмас большевиклар томонидан тор-мор этилади. Шу ерда андак тўхтаб, бошқа бир масалага эътиборингизни жалб қиламиз.

Сўнги 75 йил давомида Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, бу ердаги босқинчилик ҳаракати, фуқаролар уруши, Кўкон мухторияти ҳақида юзлаб асарлар битилди. Шуниси кизикки, уларнинг ҳаммасида мухториятнинг тор-мор келтирган большевиклар ва кизил аскарлар Туркистон халқига бекиёс яхшилик қилган буюк қаҳрамонлар сифатида таърифланади, Кўкон мухторияти эса энг ярамас, энг зарарли бир ҳодисадай талқин этилади. Мен бу ўринда фақат тарихшунос олимларнинг асарларини кўзда тутаётганим йўқ. Биз адабиётшунослар ҳам тарихни бузишда улардан қолишган эмасмиз. Адиблар, шоирлар, драматурглар, киночилар ҳам айнан шў ҳодисаларни ўта сохталаштириб тасвирлаганлари, «Яша шўро!» деб хайкиришдан нарига ўтмаганлари бусун ҳаммага маълум. Гина-қудуратларни қўяйлигу бошқа бир саволга жавоб излайлик: нима учун мана шу асарларнинг ҳаммасида Мустафо Чўкай яқдиллик билан қорланади? Назаримда, шўронинг нонини еб улгайган олиму фузало, адибу шуаро Мустафо Чўкайнинг инкилобгача бўлган фаолиятида ортикча салбийликни қўрмайди-ю, лекин мухторият ҳукумати раислигига сайланганлигини сира-сира кечиролмайди. Бунинг боиси шундаки, умри қисқа Кўкон мухторияти ўлка ҳаётида бирон-бир сезиларли бурилиш ясаб улгурмай тарих сахнасидан чиқиб кетган эса-да, у Туркистон мустақиллиги йўлида ёқилган сўнмас юлдуз — халқ қалбида ёнган умид чироғи эди. Уни ёққанлардан бири Мустафо Чўкай эди. Шунинг учун ҳам ҳукмрон коммунистик мафкура уни сира кечира олмайди ва Кўкон мухториятини 20-йиллардан бери муттасил қоралаб, «фoш қилиб» қилди. Унинг бўйнига тақилган тавки лаънатлар эса ўша-ўша эски гаплар — мухторият аксилинкилобий ҳокимият, гўё бутун Туркистон Октябрни қувончдан қўзда ёш билан чапак қилиб қутиб олган-у, мухториятчилар халқ

иродасига карши бориб, буржуа ҳукуматини тузган. Бу — бошдан-оёк тухмат. Фирка тарихчилари 20-йиллардаёк Туркистонда махаллий аҳоли инкилобдан мутлако узок бўлганини очик айтишган эди. Биргина мисол келтираман. Туркистон тарихига оид бир катор асарлар эълон қилган П. Алексеенков «Кўкон мухторияти» китобида махаллий ишчиларнинг инкилобга муносабати хақида ёзади: «Ишчилар синфининг миллий табакаларига нисбатан шуни айтиш керакки, уларнинг бир қисми ишлаб чиқаришдаги ўрни ва савиясининг ўта пастлиги важдан совет ҳокимиятини етарли даражада фаол қўллаб-қувват-ламайди, бошқа қисми эса, ҳатто бетарафлик йўлида туради». Дехконлар ҳам улардан ўтиб кетган эмас: «Ишчилар синфи томонида туриб (яъни, инкилобчилар томонида, дейилмокчи —О. Ш.) фаол ва катъий чиқиш учун урта нарса етишмасди:

- 1) ўзининг асосий иктисодий ва сиёсий манфаатларини билмаслик;
- 2) фаолият учун зарур бўлган уюшқоқлик;
- 3) ишчилар синфини етарли тушуниш ва дехконларни фаол қурашга жалб қилиш лозимлигини англамаслик.»

Хўш, миллий Зиёлилар-чи?

«Миллий зиёлилар Октябрь инкилобидан кейин буржуазия билан бирга кетди». (П. Алексеенков. Кокандская автономия. Т.—1931, 14, 15, 16-бетлар.)

Демак, ишчилар синфи ҳам, дехконлар ҳам, зиёлилар ҳам Октябрь инкилобини амалга оширишда фаол катнашмаган. Энди ўзингиз ўйланг — на ишчилар, на дехконлар, на зиёлилар қўллаб-қувватламаган ходисани «халқ инкилоби» дейиш мумкинми? Халқнинг унга ижобий муносабати қанака бўлади? Советпараст олимнинг ўзи тан олган далиллар Октябрь инкилоби Туркистонга четдан келтирилганини яққол исбот қилмайдими? Бас, шундай экан. Кўкон мухторияти махаллий халқнинг инкилобий хохишига зид ўларок майдонга келган, деб даъво қилиш бориб турган бир уйдирма, холос. Билъакс, далиллар ва ҳужжатлар шундан далолат берадики. Туркистон мухторияти бу ерда яшовчи махаллий халқларнинг энг теран орзу-хавасларига тўла мос бўлган.

Кўп йиллар мобайнида расмий китобларимизда: «Мухторият махаллий буржуа миллатчиларининг ҳокимиятидир. У Россияга карши, русларга карши қаратилган, Туркистонни Россиядан ажратиб олишга интилган,» деган ақидалар олдинга суриб келинди. Бирок бу даъволар ҳам пухта заминга эга бўлмаган, пуч ва уйдирма гаплардир. Буни исботлаш осон. Аввало, мухторият парламенти — «Халқ кенгашиининг миллий таркибига эътибор қилайлик. Унда ўзбеклар, козоклар, киргизлар билан бир каторда руслар, украинлар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди, Унга 54 киши сайланган: 36 киши махаллий, 18 киши Оврўпо миллатларига мансуб бўлган. Шунинг ўзиёқ мухториятнинг барпо этган одамларда байналмилалчилик руҳи анча юксак бўлгани, хақиқий демократияни анча чуқур тушунганини кўрсатиб турипти. Шундай экан, бу мухториятнинг «махаллий буржуа миллатчиларининг ҳукумати» деб аташ тарихий хақиқатни сохталаштиришдан бошқа нарса эмас. Туркистонни Россиядан ажратиб олиш масаласига Мустафо Чўкай хотираларидан олинган бир жумла билан жавоб бериш мумкин. У ёзади: «Биз Россиядан айрилмокни талаб этмадик. Фақат мухторият эълон қилдик. Натижа эса маълум...»

Аслида Туркистон мухториятининг барпо бўлишига инкилоб самараси сифатида қараш керак. Маълумки, янги ҳокимият илк формонларидаёқ Россия тасарруфидаги халқларга озодлик ваъда қилди, уларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эгаллиги, ҳатто

Россия таркибидан ажралиб чиқишлари мумкинлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, янги ҳокимият бошлиги В. И. Ленин Октябрь инқилобидан бир ой ўтар-ўтмас Россия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларга мурожаат қилди. Унинг мактубида шундай гаплар бор эди: «Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштиришга берингиз, сизларнинг бунга ҳаққингиз бор... Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русмаларингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз — ўзларингизнинг қўлингизда.» («Шарқ юлдузи» ойномаси, 1991, 3-сон, 168-бет.)

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари, шу жумладан, Мустафо Чўкай ҳам бу гапларга чиппа-чин ишониб, лакка тушдилар. Улар большевиклар сиёсати биринчи қадамданок риёкорлик асосига қурилганини, оғизда баландпарвоз ваъдалар бериб, амалда одамларнинг қўйини пуч ёнгокка тўлдираверишларини ҳаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Ленин ҳам шундай қилди: бояги мурожаатномадан кейин кўп ўтмай, Туркистон халқларининг қаршилигини ўта шафқатсизлик билан бостириш ҳақида «дохиёна» кўрсатмалар бериб, баланд рутбалик вакилларини бу ерга жўнатди. Бундан ташқари, мухториятнинг вужудга келишига янги совет ҳокимияти биринчи қадамлариданок миллий сиёсат бобида мудҳиш хатоларга йўл қўйган, маҳаллий халқ-нименсимай, ҳуқуқларини поймол этгани, шовинистларча муомала қилгани ҳам сабаб бўлди. Буни исботлайдиган далиллар ҳам кўп. Октябрь инқилобидан кейин Туркистонда тузилган биринчи сўвет ҳукумати таркибидан биронта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг таркибидан ҳам дастлабки босқичда маҳаллий миллатларга ўрин ажратилмади. Инқилобий раҳбариятнинг айрим ходимлари 1917—1918 йиллар мобайнида турли йигинлар ва анжуманларда сира тор-тинмай ерли халқ шаънига таҳқирли гаплар айтишган. Масалан, Туркистондаги ҳокимият аъзоларидан бири К. Я. Успенский 1918 йил январидан ўлка советларининг қурултайида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ўртоқ мусулмонлар! Шунинг билан, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва, тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак» (Ўша жойда).

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида большевиклар миллий сиёсат соҳасида жиддий шовинистик хатоларга йўл қўйишгани 20-йилларда эълон қилинган кўпгина тадқиқотлар ва китобларда очик тан олинган. Жумладан, П. Алексеенков юкоридаги асаридан шундай ёзади: «Октябрь инқилоби даврида ва ундан кейинги дастлабки ойлари мобайнида Туркистон партия ташкилоти миллий масалада қатор хатоларга йўл қўйди... Маданий жихатдан қолоқ ва сиёсий жихатдан етарли даражада балогатга етмаган маҳаллий аҳоли инқилобда фаол иштирок этолмаслигига амин эдик. Шунинг учун инқилобни уларсиз давом эттиришга қарор қилдик.» (51—52-бетлар.)

Мана шундай камситишлар ва таҳқирлар оқибатида 1917 йилнинг 11 декабрь куни ўлка мусулмонларининг қавқулоқда IV қурултайи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бинобарин, мухторият бир «ховуч фитнакорларнинг ҳуружи» тўғрисида эмас, маҳаллий халқларнинг кўпдан давом этиб келаётган орзу-истакларининг натижаси, Октябрь инқилоби давридаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули сифатида майдонга келди. Майдонга келди-ю, кўп ўтмай, большевиклар томонидан қунфаяқун қилинди.

Кўп йиллар мобайнида советпарастлик руҳи билан сугорилган асарларимизда Мустафо

Чўкай Туркистонда босмачилик харакатининг илхомчиси ва ташкилотчиси сифатида коралаб келинди. Бирок бу айблов ҳам ҳеч қандай заминга эга бўлмаган ҳавойи гап. Тўғри, Мустафр Чўкай ҳукумат бошлиги сифатида ҳарбий вазир Убайдулла хўжа Асадуллахўжаев билан бирга мухториятни кизил кўшин хуружидан химоя қилиш учун баъзи тадбирларни кўрган. Жумладан, улар мудофаа ишларини уюштиришни Кўкон милициясининг бошлиги Эргашга топширган, Эргаш эса ўз навбатида унча кўп бўлмаса-да, қуролланган даста тузиб, Советларнинг ҳарбий кучларига қарши жанг қилган. Шунга асосланиб, Мустафо Чўкзйни босмачилик харакатининг асосчиси сифатида қоралаш мумкинми? Холбуки, расмий ҳужжатларда, кўпгина асарларда «босмачилик» деган тахкирли ном олган, аслида эса моҳият эътибори билан мустамлақачилик сиёсатига қарши қаратилган миллий-озодлик қураши бўлган бу оммавий ҳаракатни тугдирган ўзига хбс сабаблар бор эди. Буларнинг энг асосийси ҳокимият вакилларининг маҳаллий халқларга мэнсимай қараши, унинг миллий туйғуларини, инсоний гурурини тахкирлаши, урф-одатлари ва расм-русмларини оёқости қилиши эди. Шу билан бирга, советчилар аксилинкилобчиларга қарши қураш никоби остида маҳаллий халққа нисбатан шафқатсиз қиргинни амалга оширдилар. Тинч аҳолини қатагон қилиш Кўконда февраль ойининг 17-қуни бошланди. Советпараст тарихчиларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, ўша кезларда уч қун давомида Кўкон ўт ичида қолди. Янги ҳокимият Кўконни талон-тарож қилиш учун дашноқларга тўла эрқ бериб қўйди. Биргина Кўконнинг ўзида 10000 дан ортиқ одам ўлдирилди. Қиргин шу билан тугагани йўқ. 1918 йилнинг биринчи ярмида Маргилонда 4500 одам ўлдирилди. Шу қараёнда 180 қишлоққа ўт қўйилди. Минглаб оилалар қонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолдилар. (Ш. Шамаъдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т., 1961. 54—60 с.) Бундай мислсиз ваҳшийлик, қулоқ эшитиб, қўз қўрмаган зўравонлик қусайиш ўрнига борган сари қучайиб борди. 1919 йилда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам «босмачилик харакатини» бостириш учун қелган Қизил Армия қисмлари, жумладан, қонхўрлиги билан қонг қикарган Будённийнинг Биринчи отлик армияси босмачилар қолиб, тинч аҳолини қириш, аёлларни тахкирлаш, қатто қўдақларни қавақлаб, найзаларга илиш қобида мислсиз «қахрамонлик» намуналарини қўрсатдилар. Бу ваҳшийликларни қатто қозир ҳам баъзи қариялар эслаб қолишса, қалтироқ босиб, ранглари ўчиб қетади. Қуллас, Фаргона водийси 1918 йилнинг бошларидан қонга қеланиб, қаробазорга айланди. Буни қўрган қар қандай инсофли одам дақшатга тушиб, ёқа ушламаслиги, «Қўзал Фаргона, сенга не бўлди?» дея қигон қилмаслиги мумкин эмасди. Айни қоқда, бу ёвузликларга қарши қаракат — исён тугилиши, қалқ «бир бошга бир ўлим!» деб оёққа туриши табиий қол эди. Қалқ исённинг қақиқий сабаби қана шунда! Мустафо Чўкайга ўқшаш айрим одамларни «босмачилик харакатининг асосий сабабчиси» қилиб қўрсатиш эса омманинг қиккат-эътиборини тарих қақиқатидан қалқитишдан бошқа нарса эмас. Бу масалада ҳам қуқрон қоммунистик маққуранинг ўз душманларини ёмонотлик қилишда ҳеч нарсадан қайтмаслиги, ёлгон-яшиқ гапларни ва уйдирмаларни бемалол ишга солавериши, иққи юзлама сиёсати қяқол қўриниб турипти. Мустафо Чўкай Туркистонда «босмачилик харакатини» қана шунинг учун уюштира олмас эдики, у 1918 йилнинг ўрталаридаёқ Туркистондан қикиб қетишга мажбур бўлқанди. У бир неча қуддат Қавқазда Тифлис шақрида туради, кейин қорижга қетади. Қет элда Мустафо Чўкай Париж ва Берлин шақарларида истикомат қилган, Туркияга тез-тез бориб-қелиб турган. У муқожирликда 20 йилдан ортиқроқ қаёт қечирди. Бу даврда самарали иқод қилди ва қўпгина илқий мақолалар, бир қатор тадқиқотлар қратди.



Мустафо Чўкай Туркистондалигидаёк ўткир маколанавис сифатида кенг танилган эди. Дастлаб у «Улуг Туркистон» рўзномасида фаол катнашади. Бу нашр 1917 йилда Тошкентда «Яшасин миллатлар мухторияти!» деган шиор билан чиккан ва у «халкининг юздан тўксон саккизи мусулмон бўлган Туркистон ўлкасида халк идорасининг хориж-дан келган аскар ва ишчилар кўлига ўтишига туркистонликлар рози бўлмаяжаклар» деб ёзганди. Мустафо Чўкай шу рўзноманинг энг мумтоз муаллифларидан бири эди. 1917 йилнинг ўрталарида Тошкентда «Бирлик туви» деган газета ҳам чика бошлайди. Мен салкам кирк йил мукаддам аспирантурада ўкиб юрган кезларимда В. И. Ленин номидаги Давлат кутубхонасининг кироатхонасида ўтириб, бу икки рўзноманинг айрим сонларини вараклаб кўрган, хатто «Улуг Туркистондан Хамзанинг «Туркистон мухториятига» деган катта манзумасини тўла кўчириб олган эдим. Ўшанда бу рўзноманинг саргайиб кетган саҳифаларидан олис 1917 йилнинг ола-говур садолари келаётгандай туюлганди менга.

1918 йилда Тошкентда яна бир нашр пайдо бўлди. Бу — «Свободный Туркестан» деган русча рўзномадир. Мухими шундаки, бу рўзноманинг моддий таъминоти ҳам Мустафо Чўкай зиммасида эди. У турли тахаллуслар остида рус тилида маколалар ёзиб, мазкур нашрда мунтазам катнашиб турган. 1942 йилда Мустафо Чўкай вафотининг бир йиллиги муносабати билан Истамбулда Намуна матбаасида альбом чикарган доктор М. Делил унинг маколанавислик фаолияти тўғрисида гоят кимматли маълумотлар беради. Унинг кўрсатишича, адиб 1919—1920 йилларда Кавказда камида тўртта нашр чиқишида катнашган. Булар — 1919 йилда рус тилида Тифлисида чиккан хафталик «Вольные горцы» нашри — унда Мустафо бейнинг Туркистон масалаларига доир маколалари бор; «На рубеже» — бу рўзнома эмас, мажмуа. У Тифлисида Туркистон ва Украина миллий марказларининг моддий ёрдами билан чикарилган. Русча мажмуада Мустафо бей «М. Чанай» ва «Жалил» деган номлар билан макола ёзган. Яна — «Янги дунё» — 1920 йилда Шимолий Кавказия миллий ташкилоти биланг Туркистон миллий маркази бирлашиб чикарган рўзнома. «Шафак» рўзномаси ҳам Тифлисида Мустафо бейнинг бош мухаррирлигида чикарилган. Табиийки, буларда ҳам унинг маколалари мунтазам босилиб турган. 20-йилларнинг охирларида Истамбулда «Янги Туркистон» деган ойлик мажмуа чика бошлайди. У 1927 йилдан 1931 йилнинг июлигача нашр этилди. Сўнгра Мустафо бейнинг бош мухаррирлиги ва сиёсий раҳбарлиги остида Берлинда 10 йил мобайнида (1929—1939) чиқиб турган мажаллани эсламок даркор. Доктор М. Делилнинг тасдиқлашича, бу мажалла «Чўкайнинг миллий мафкурасини ва Туркистон турклиги миллий харакатини гоятда ойдин бир суратда акс эттира билмишдир».

Мустафо Чўкайнинг Туркистон тарихи, миллий уйғониш ҳамда озодлик харакатининг долзарб муаммолари хақида бахс юритувчи асарлари француз, инглиз, поляк тилларида ҳам босилган. Унинг макола ва рисоалари Туркистон хақида шу кадар мухим маълумотлар берганки, бу ўлка хаётини тадқиқ килувчи олимлар уни четлаб ўтолмаганлар. Масалан, 1942 йилда немис тилида «Туркистон» деган хажман йирик бир асар чоп этилади. Муаллифлари Р. Олцша ва Г. Клайновларнинг таъкидлашича, 434 саҳифалик бу асарнинг 363—409-бетлари Мустафо Чўкай каламига мансубдир.

Булардан ташқари, «1917 йил хотира парчалари» китобидаги изохларда Калифорниядаги Статфорд университети қошидаги Рус инкилобини ўрганиш маркази «Туркистонда инкилоб ва Совет ҳукуматига қарши халқ кўтарилишлари» деган мажмуа тайёрлаётгани, шу муносабат билан Мустафо Чўкайга мурожаат қилингани, у эса «Туркистонда инкилоб ва Кўкон мухторияти» деган макола ёзиб бермокчи бўлгани

айтилади. Афтидан, бу макола 1937 йилнинг бошида ёзилиб, Калифорнияга юборилган бўлса керак.

Кўриниб туриптики, Мустафо Чўкай мухожирликда юрганида ҳам бирор дакика бўлсин Туркистон мустақиллиги гоёсидан чекинган эмас. У юзлаб маколаларида бу гоёни тарғиб этган, бир кун келиб, Туркистон осмонида озодлик куёши нур сочажагига ишонишдан тўхтамаган. Бирок минг афсуски, биз бу улкан зотнинг ҳамма асарларини билмаймиз. 1950 йилда Истамбулда «Ёш Туркистон» нашриётида доктор А. Октой тугилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Туркистон миллий харакати ва Мустафо Чўкаев» деган китоб чикаришган экан. Биз хатто шу китоб билан танишиш имконига ҳам эга эмасмиз. Лекин шунга карамай, мен яна бир бор Мустафо Чўкайни ўткир нигоҳли тадқиқотчи, ҳаётни яхши биладиган, воқеалар замиридаги ҳақиқатни кўра оладиган, мантики чуқур, калами ўткир бир олим деб ҳисоблайман. Унинг «Туркистон Шўролар ҳукумати даврида» деган мақоласи шундан далолат бериб турибди.

Авваламбор, мақоланинг ижодий тарихи диққатга сазовор. 1927 йилда Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан Москвага француз ишчилари делегацияси келади. Унинг бир қисми Ўзбекистонга сафар қилиб, бир неча кун республика ҳаёти билан танишади. Бу ерда франциялик вакиллар «Туркистон миллий жумҳуриятларидаги кўз кўриб, кулок эшитмаган» ўзгаришлардан хайратланиб ҳаяжонга тушадилар. Уларнинг назарида Туркистонда ҳамма ёқда эркинлик салтанати барпо этилган, миллий масала узил-кесил ҳал этилган, халқ фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиради, ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммолар тегишли ечимини топган. Делегация аъзолари «Правда Востока» газетасининг 1927 йил 30 ноябрь ва 2 декабрь сонларида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Масалан, жаноб Шелино шундай дейди: «Биз шунга ишондикки, ёш совет Ўзбекистонини маҳаллий халқнинг ўзи бошқаради. Бизга берилган маълумотномаларда давлат органларининг раҳбар қисми асосан маҳаллий аҳоли вакиллари эканини кўрдик...»

Делегация раҳбари жаноб Гаше дейди: «Бизни буёққа жўнатган француз ишчиларига совет давлатида миллатлар тенглиги қарор топган ҳаётни кўрдик деб етказамиз. Менинг ўзим бунга сираям шубҳа қилмайман».

Француз делегацияси Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдидан декларация тайёрлайди. «Правда Востока» газетасининг 1928 йил 20 январидеги сониде эълон қилинган бу декларацияда «маҳаллий ўртоқларнинг миллий соҳадаги ютуқлари» бирма-бир санаб ўтилган.

Делегация аъзолари Парижда қайтгач, бу таассуротларини жамоатчиликка изҳор этганми-йўқми — маълум эмас. Лекин мухожирликда яшаса ҳам Туркистон ҳаётини синчковлик билан кузатиб борган Мустафо Чўкаев мазкур фикр-мулоҳазалардаги бир томонламаликка сира тоқат қилолмаган. Натижада у «Туркистон Шўролар ҳокимияти даврида» деган каттагина мақола ёзади ва уни 1928 йилда эълон қилади. Мақоланинг Парижда француз тилида чоп этилган нусхасига таникли жамоат арбоби Пьер Ренодель сўзбоши ёзган. Пьер Ренодель Мустафо Чўкаев билан 1920 йилда Тифлисте танишган экан. Ўшандаёқ Мустафо бей француз арбобининг назарида ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи изчил демократ сифатида таассурот қолдирган.

Пьер Ренодель мақолани қискача таҳлил қилиб, лўнда-лўнда жумлаларда фазилатларини санаб, юқори баҳо беради ва уни Туркистондаги ҳақиқий аҳволни очиб

берувчи кимматли хужжат деб ҳисоблайди. Маколанинг ахамияти хакида Пьер Ренodelь ёзади: «Бу рисола минг-минглаб туркистонликлар мустабид тўзум курбони бўлганлиги тўгрисида гувоҳлик беради; бу рисола бутун мамлакатни жаҳолат бошқараётгани, шу маънода, айрим большевикларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлари каби, марксизм-ленинизм деб аталмиш таълимоғ, факат сароб-найранг эканлиги тўгрисида гувоҳлик беради, бу рисола аграр революция никоби остида кишлок хўжалигини ёппасига жамоа-жамоа қилиб, ёппасига мажбурий эксплуатацияга тайёрлаётгани, бутун иктисодиёт факат алдовга ва ташиб кетишга мўлжалланаётгани тўгрисида гувоҳлик беради. «Бу сўзлар бугун эмас, кеча эмас, 63-йил аввал — 1928 йилда ёзилган. Бугун эса биз бу гапларнинг мутлако хақиқат экани тарих томонидан тўла тасдиқланганга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустафо Чўкаев макола бошида вакилларнинг «сафаримизда тўла эркин бўлдик, каерни истасак, шу ерни бориб кўрдик, ким билан истасак, шу одам билан сухбатлашдик» деган гаплари асоссиз эканини исботлайди. У делегация аъзоларининг биронтаси маҳаллий тилларни билмаслигини, ҳамма жойда тилмочлар орқали иш юритишганини айтади. Шундай экан, тилмочлар маҳсус тайёрлангани, ҳар хил ташкилотлардан муфассал йўриқлар олиб ишлагани аниқ. Ёхуд улар ўша ташкилотларнинг маҳфий ходимлари бўлишлари ҳам мумкин. Мафкура муассасалари бу ташкилотлар, билан бирга ҳар қандай ҳолларда ҳам йўқни бор, окни қора, қорани оқ қилиб кўрсатиш ҳавосини олган. Аслида ҳаётга чуқур назар ташланса, ўша йилларда Туркистон ҳаётида на миллий эркинлик, на инқилобий фаровонлик йўқлиги яққол кўринадикалади. Шуниси муҳимки, Мустафо Чўкаев бу фикрларини далиллар экан, факат партия хужжатларига, съездлар, пленумлар конференцияларнинг қарорларига, совет хокимиятининг ишончли одамлари айтган ва совет партиявий матбуотида эълон қилинган материалларга таянади. Масалан, «Туркистон советлар даврида чинакам эркинликка эришди, бу ерда миллий масала узил-қесил ҳал қилинди» деган фикрни рад этар экан, унга қарши «Тошкентлик большевикларнинг ўзига ҳос хокимлиги остида Туркистонда мустамлака режимнинг давоми ўларок янги давр бошландика...» деган фикрни олға суради. Бу даъво партиявий хужжатлардан ва совет матбуотидан олинган далиллар билан чуқур исботланади. Маълумки, совет хокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда даҳшатли очлик юз берган, оқибатда, совет матбуотининг ҳабар беришича, 1 114 000 одам ўлган эди. Мустафо Чўкаев бу очликни большевиклар онгли суратда уюштирганини ва «дунёнинг ҳеч бир бурчагида бундай мудҳиш тарзда синаб кўрилмаган «очлик сиёсати» орқали миллий озодлик ҳаракатига зарба бермокчи бўлганини исбот қилади. Бунинг учун у ўша пайтда қатта мансабларда хизмат қилган Турор Рисқулов қитобидан қарча қелтиради: «Туркистондаги Октябрь тўнтаришининг раҳбарларидан бири Тоболин Марқазий Ижроия Қўмитаси мажлисларидан бирида тўғридан-тўғри «қирғизлар иктисодий қолоқ бўлганлари учун ҳам, улар қариб, қирлиб қетишга маҳқумдир. Шунинг учун инқилоб бутун қучини очликка қарши қурашга эмас, яқшиси фронтни мустаҳкамлашга қарши қаратиш қерак» дегандика. Миллионлаб одамларнинг қирлаётганини, бутун ўлка аламли фарёдлардан бўғилиб ётганини қўра-қила туриб шундай демок учун одам мутлако виждонсиз, ўта беҳаё бўлмоқика қерак. Факат ўзига қино қўйган, ўзини дунёнинг устуника деб қилган, бошқа халқларни менсимайдиган ашаддий шовинистгина шундай қилиши мумкин. Бундай шармандали қарашлар совет ёқи партия ташкилотлари томонидан ва ўша қезларда, на ундан қейин қораландика. Ақсинча, Тоболин ўлгандан қейин унинг номи абадийлаштирилди. Тарих киноясини қарангика, Тошкентнинг шундоққина қикинида,

Чимкент вилоятининг Саригоч районидаги каттагина кишлок хозир хам Тоболин номида аталиб келинмоқда.

Туркистонда инкилобнинг дастлабки йиллариданок мудхиш мустамлакачилик сиёсати олиб борилганидан Ленин хам, партия Марказий Кўмитаси хам яхши хабардор бўлган, бироқ улар бунга чек қўйиш борасида қўлини совук сувга урган эмас. Аксинча, бу ходисани эътироф этиш билан чекланишган. Мустафо Чўкаев буни РКП Марказий Кўмитасининг 1920 йил 29 июнида қабул қилган ыароридан олинган парча билан исбот қилади:

«Мустамлака психологияси билан захарланган, рус ишчилари қўлида бўлган Туркистондаги Совет ҳокимияти даврида келгинди европалик аҳоли билан маҳаллий халқ ўртасидаги муносабат яхши томонга ўзгарди эмас, балки яна хам кескинлашди. Чор ҳукумати даврида амалдорлар маҳаллий халқни асоратга солиш учун қандай йўл танлашган бўлса, бугунги «коммунистлар» хам худди шундай йўл танлашмоқда». Мустафо Чўкаев мақола давомида совет ҳокимияти Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини инкилобнинг дастлабки йилларидан кейин хам изчиллик билан давом эттирганини таъкидлайди. Муаллиф кейинги йиллардаги айрим тадбирларни таҳлил қилар экан, улар гўё «яхши ният билан», камбағал ва кашшок дехконларга қайишгандай туюлса-да, аслида меҳнатқаш халқни янада асоратга солажагини башорат этади. Масалан, мақолада ер ислохотининг моҳияти очиб берилган — ҳукумат асбоб-ускунаси; от-уловсиз дехконларга мажбуран ер бериб, уларни янада қарам қилади. Улар ёппасига пахта экишга мажбур бўладилар, бу эса галла экинларининг қамаи чорвачиликнинг қисқаришига олиб келади. Озиқ-овқат таъминотида дехкон тўлалигича четдан келадиган маҳсулотга қараб қолади, унинг турмуш даражаси бениҳоя тушиб кетади. 1928 йилда айтилган бу гапни Ўзбекистоннинг кейинги 60 йиллик тарихи тўла исботлади.

ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг 1927 йил сентябрида бўлган пленумида сўзлаган нотик «Ильич» номли завод маъмурияти «штат қисқарганини эълон қилиб, айни пайтда Россиянинг ички музофотидан янги ишчи қучлари чақириб келишганини» айтади. Холбуки, худди шу пайтда Ўрта Осиё бўйича 28 625 та ишсиз бор эди. Биз бу Сиёсат хам фақат 20-йилларда амалга оширилган ўткинчи тадбир эмаслигини яхши биламиз. Бугунги кунда шу сиёсат туфайли бутун Ўрта Осиё иқтисодиёти жуда ночор ахволга тушиб қолди, Ўзбекистонда эса миллионлаб одамлар жуда фақир ва кашшок ҳаёт кечирмоқдалар.

Мустамлака сиёсатининг яна бир жиҳати кадрлар масаласи билан боғлиқ. Мустафо Чўкаев француз делегациясининг «Ўзбекистонда ҳамма муҳим лавозимларни миллий кадрлар эгаллаб турипти» деган гапини хам жуда асосли рад этади. У бунинг учун партия XVI съезди материалларига мурожаат қилади. Унда Оржоникидзе бошқа масалалар қатори Ўзбекистонда бошқарув аппаратининг миллий таркиби ҳақида гапирган экан. Унинг ҳисобига кўра аппаратда руслар 61,9 фоизни, ерли миллат вакиллари эса 24,7 фоизни ташкил қилади. Бироқ ерли миллат вакилларининг малакаси ва сифати масаласи жуда ночор ахволда бўлган. Мустафо Чўкаев буни хам «За партию» журналида босилган (1927 йил 3-сон) Хонсуворовнинг мақоласидан олинган қуйидаги парча юрқали далиллайди: «Округ ижроия комитетлари президиуми аъзолари ва раислари, арифметиканинг оддий тўрт амалини хам билишмайди, ҳатто ўз тилларида хам қийналиб ёзадилар, Париж ва Лондон шаҳарлари қайси мамлакатнинг пойтахтлари эканини хам билишмайди, партия тарихидан мутлақо беҳабар, партия дастурини ўқиб

хам кўришмаган. Савол тугилади: нахотки, 20-йилларнинг ўрталари ёхуд охирларида, шунингдек, кейинги йиллар мобайнида бутун жумхурият худудида савияси баланд, юксак маданиятли, рахбарлик ишларига иктидори зўр одамлар топилмаса? Нахотки, халк ичидан чикадиган истеъдодлар булогининг суви тортилиб колган бўлса? Йўк, ундай эмас, албатта. Бирок мустамлакачилик салтанатининг ўз конун-қоидалари, ўз мантики бор. Унга кўра кадр танлашда билимнинг кўпдан ахамияти йўк, юкори мансабни эгал-лайдиган, номенклатурага киришга даъвогар одам юкорига садокатли бўлса, буйрукни лом-мим демай бажарса, бўлар-бўлмас саволлар бериб, масалалар кўйиб, бошни котирмаса бўлди. Большевикларнинг кўзга кўринган арбобларидан бири Георгий Сафаров 1921 йилдаёқ мустамлакачиларнинг кадр танлаш мезонини жуда аниқ тасвирлаб берган. У: «Мустамлака инкилоби. Туркистон сабоклари» деган китобида ёзади: «Мустамлакачиларга ерли аҳолидан чиккан рахбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг хукукли ўрток керак эмас эди. Уларга тилмочлар ва ижрочи миршаблар зарур эди».

Бу парча ҳам Мустафо Чўкай тадқиқотидан олинди. Бундай мисолларни яна келтираверишга хожат йўк. Юкоридагиларнинг ўзиёқ мазкур макола нақадар кучли мантикка эгаллигини кўрсатиб турипти. У шўрпешона Туркистон Шўро ҳукумати кўли остида янада мудхиш асоратга тушиб колганини, ўлка бошидаги булутлар янада куюклашганини, халк тобора кашшоклашиб, хукуклари поймол этилиб, тарихий меросидан, ёзувидан, тилидан мосуво бўлаётганини пухта далиллар асосида исботлаб берди. Шу биргина мақолага караб олимнинг калами нечоғлик ўткирлиги, тафаккури канчалар теранли гиса амин бўлиш мумкин. Энг мухими, Мустафо Чўкаев бу ва бошка асарлари билан жахон халқларини Совет Иттифокидаги мустабидлик салтанатида содир бўлаётган жиноятлардан, ўзбошимчаликлардан огох килиб турди. Эҳтимолки, худди шу хизмати билан Мустафо Чўкаев бугунги истиклол кунларининг якинлашишига хисса кўшгандир.

Кадимий Берлин шахрининг озода ва осуда кўчаларидан бирида кабристон жойлашган. Уни Турк-ислом кабристони дейишади. Унга севимли ватани —Туркистон мустикаллиги йўлида курашмоқдан толмаган, ўз ватандошларига кўлидан келган яхшилигини аямаган бир муборак зот — Мустафо бей Чўкаевнинг жасади ҳам кўйилган. Хатто унинг вафоти ҳам юртига, ватандошларига мухаббатидан нишона бўлди. 1941 йилда фашистлар Совет Иттифокига хужум бошлади. Урушнинг бошларидаёқ юз минглаб совет кишилари фашистлар томонидан асир олинди. Бу кезларда Мустафо Чўкай Парижда яшарди. Фашистлар уни зудлик билан Берлинга олиб келишади ва асир тушган туркистонликлардан харбий кисмлар тузишни талаб килишади. Мустафо Чўкай бу таклифни катъиян рад этади, бирок асирликдаги юртдошлари билан кўришиб, кандайдир йўллар билан уларнинг кисматини енгиллатишга ёрдам беради. Шу учрашувларда у сил касалини , юктириб олади. Касал зўрайиб, 1941 йилнинг 27 декабрида Мустафо Чўкаев оламдан кўз юмади.

Озод Шарафиддинов